



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ
СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Бугун Қизириқ туман ҳокимлиги йиғилишлар залида халқ депутатлари Қизириқ тумани Кенгашининг эллик саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибида Қизириқ туманининг 2023-йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш, Қизириқ тумани хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва “Аёллар дафтари” га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар билан олиб борилган ишлар, Қизириқ туманида юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларига 2023-йил учун ер солиғи ставкаларини белгилаш, Туман секторлари ҳудудида аҳоли муаммоларини ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий ҳимоя ва моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларни “темир

дафтар”га чиқариш бўйича 1 ва 3-сектор раҳбарларининг таклифлари
тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан кенгашнинг тегишли қарорлари қабул
қилинди.

